



**ORIENTAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES**

journal homepage:  
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>



## METHODOLOGICAL FEATURES OF "KITAB-UT TALIM"

**Abdulbosit N. Nusratullaev**

*Master's Student*

*Tashkent State University of Oriental Studies*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Imam Zarnuji, "Ta'limu-l-mutaallim tariqu-t-taallum", Abu Dawud Abu Hurayra, Husayn Waiz Kashifi, epic, Kalam, enlightenment.

**Received:** 12.05.22

**Accepted:** 14.06.22

**Published:** 16.06.22

**Abstract:** In this article are revealed on a scientific basis of the methodological features of Imam Zarnuji's work "Ta'limu-l-mutaallim tariqu-t-taallum". The opinions and attitudes of the scholars of the Islamic world are quoted in this regard. In particular, in this work folk proverbs and wise sayings are widely explained from the point of view of style.

## “КИТАБ-УТ ТАЪЛИМ” АСАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Абдулбосит Н. Нусратуллаев**

*Магистратура талабаси*

*Тошкент давлат шарқишунослик университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Имом Зарнужий, “Таълиму-л-мутааллим тариқу-т-тааллум”, Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоху анху, Ҳусайн Воиз Кошифий, эпик, Калом, маърифат.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Имом Зарнужийнинг “Таълиму-л-мутааллим тариқу-т-тааллум” асари услубий хусусиятлари илмий асосда очиб берилган. Бу борада ислом олами уламолари фикрлари ва муносабати келтириб ўтилган. Айниқса, халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлари услубий жиҳатидан асарда кенг очиб берилган.

## МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ "КИТАБ-УТ ТАЛИМ"

**Абдулбосит Н. Нусратуллаев**

*студент магистратуры*

*Ташкентский государственный университет востоковедения*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Имам Зарнуджи, «Талиму-л-мутааллим тарикут-т-тааллум», Абу Дауд Абу Хурайра, Хусейн Ваз Кашифи, эпос, Слово, просветление

**Аннотация:** В данной статье на научной основе раскрываются методологические особенности труда имама Зарнуджи «Талиму-л-мутааллим тарикут-т-тааллум». Приводятся мнения и взгляды ученых исламского мира по этому поводу. В частности, в этом произведении широко разъясняются с точки зрения стиля народные пословицы и мудрые поговорки.

### КИРИШ

Қуръони Каримдаги энг биринчи нозил бўлган ояти “Ўқинг!” оятидир. Ўқиш инсонни маърифатга чорловчи ишдир. “Маърифат” сўзи араб тилидан таржима қилинганда “кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия”, “маориф” деган маъноларни англатади. Ислом динининг асосий ва муқаддас китоби бўлмиш Қуръони Каримнинг еттидан бир қисми фақат илм мавзусига доир масалалардан иборатдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам имом Муслим ва имом Абу Довуд Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифларида қуйидагиларни айтадилар: “Ким талаби илм йўлида юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осонлаштирур. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларида бир уйда жамъ бўлиб, Аллоҳнинг китобини тиловат қилсалар, уни ўзаро дарс қилиб ўргансалар, албатта, уларнинг устиларидан сакинат нозил бўлур, уларни раҳмат қамраб олур, уларни малоикалар қуршаб олур ва уларни Аллоҳ Ўз ҳузурдаги кимсалар ичида зикр қилур”.

### АСОСИЙ ҚИСМ

“Халқ мақоли айтилган гапни отилган ўққа қиёс қилади. Мақолнинг энг кенг оммалашган маъноси “айтилган гапни қайтариб бўлмайд” дегани, яна у “айтиб бўлган гапининг эгаси эмассан” деган маънода ҳам фаол ишлатилади. Ҳақиқатан, шундай. Дейлик, сўзловчи айтган гап бировга озор етказди, у бунинг чиндан-да истама-ган. Лекин энди кеч, айтилган гап моддийлашиб бўлди, эшитувчи уни ўз талқинида тушунишга ҳақли. Сўзловчи ҳар не куйиниб “ундай эмас, бундай демоқчийдим” десин, эшитувчи кўнглини озордан тамом фориғ этолмайди. Негаки, айтилган, яъни товушларда моддийлашган гап унингча талқин қилишга ҳам изн беради. Демак, сўзловчи талқини ҳам имкониятдаги талқинлардан бири, холос, алоҳида мавқе тутмайди. Шу маънода, эълон қилинган адабий асар ҳам энди муаллифники эмас, ўқувчи уни ўзича тушунишга ҳақли, бунда ҳам муаллиф талқини охириги инстанция бўлолмай-ди. Демак, гоҳ-гоҳ учраб турадиган муаллифнинг танқидчиликдаги талқинларга қарши чиқиши ёки мунаққиднинг асар ҳақидаги муаллиф сўзларига бешак далил сифатида ёпишиб олиш ҳоллари тўғри эмас.

“Эпик асардаги эпизодлар устида ишлаш орқали китобхон қаҳрамонлар ҳаракат қиладиган маконга, воқеа – ҳодисаларга яқинлашади, бу ҳодисаларнинг жонли гувоҳига айланади. Эпизод – асарга қамраб олинган ҳодисалар тасвирини узвий боғловчи бўғин ҳисобланади. Шу боис, алоҳида эпизодни асар воқеаларидан узилган ҳолда ўрганиш ва таҳлил қилиш мумкин эмас. Барча эпизодлар қаҳрамонларнинг асар воқеалари ичидаги яхлит характери, қиёфаси ва руҳиятини ёритишга, ҳодисалар оқимини табиий ҳаракатланишига таъсир кўрсатади. Яхлит сюжет ва композицияга эга бўлган бадиий асардан айнан ана шундай муҳим бадиий вазифани ижро этувчи бўғин – эпизод танланиб, уни бошқа эпизодлар билан боғлаб таҳлил қилиш орқали ҳодисаларга, қаҳрамонларга, асарнинг бош муаммосига нисбатан ёзувчи нуқтаи назарини, муносабатини ўрганиш мумкин. Эпизодлар матндан танлаб олинади, шу боис қаҳрамон қиёфасини баҳоловчи далил, ҳодисалар моҳиятини очувчи асос бўлиб хизмат қилади. Бадиий асар қурилмасини ташкил этган эпизодлардан аниқ мақсадни ёритишда фойдаланилади.

1. Агар ўқитувчи асар қаҳрамонларининг ўзига хос характер хусусиятларига эга эканликларини ёритиш мақсадида эпизодлар танланса, танланган эпизодлар шу мақсадни ёритишга ва асослашга мос тушиши лозим.

2. Танланган эпизодни асар воқеалари билан боғлаб ёритишга эришиш лозим, шу йўл билан ўқувчиларнинг бадиий асарга доир яхлит тасаввурлари шакллантирилади.

3. Ўқитувчи эпизоднинг турли жиҳатларидан турли мақсадда фойдаланиши мумкин. Айнан бир эпизод қаҳрамонларнинг турли ҳолатларини, ўй – кечинмалари ёки руҳиятдаги ўзгаришларни келтириб чиқарувчи восита сифатида ўрганилиши мумкин. Ўша эпизоддан воқеаларга муаллиф муносабатини аниқлашда ёки зиддиятлар моҳиятини ёритишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Самарқандлик донишманд:

- Менга бир йигит илм олиш ҳақида машварат солди. Бухорои шарифда илм олишни азим қилганини, бошқаларнинг ҳам фикрларини билиш нияти борлигини изҳор қилди.

Худди шундай ҳар бир ишда маслаҳат солиш, фикр алмашиш шартдир. Аллоҳ таало Каломи мажидида жаноб пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламни машварат ва маслаҳат билан ўзаро кенгашиб иш юритишга буюради. “Шўро” сурасининг оятларида мўминларнинг ахлоқи ҳамидаларини васф этиб: “Уларнинг ишлари ўзаро кенгашдир”, - деган.

Шунинг учун, жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам хатто уй юмушларини ҳам асҳоби киромлар билан маслаҳатлашиб ҳал қилар эдилар. Ҳазрат Али розияллоҳу анху:

- Киши маслаҳат сўраб ҳалок бўлган эмас, - деганлар. Доно халқимиз: “Кенгашли тўй тарқамас”, - деб бежиз айтмаган”.

Бу ўринда кенгашгач, ўша киши айтганидек, тўғри ёки нотўғрилигига қарамасдан ишни бажариш назарда тутилаётгани йўқ. Ушбу фикрларнинг асл сабаби – маслаҳат билан қилинган иш ҳеч қачон ёмонликка олиб келмаслиги уқтирилмоқда. Зеро, “Бир калла яхши, иккита калла ундан яхши”, “Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин” – деган мақолларимиз бор. Унга кўра икки ёки ундан кўп кишидан жўяли фикр чиқади, агар ўша киши сўралаётган масалада мутахассис бўлса, бу нур устига нур бўлади, деган хулосани бериш мумкин.

Таҳлили келтирилаётган масалани ёритишда муаллиф далилларни бирма-бир келтириши асарнинг нечоғли услубий жиҳатдан, тузилишига кўра ўқувчини ўзига жалб этувчи хусусиятини кўрсатади. Масалан, қуйида келтирилаётган матндаги фикрларнинг кетма-кет келтирилиши ҳам айни фикрни исботлайди: “Донишмандлар кишиларни уч тоифага тақсимлаганлар: бири бутун ва тўлиқ киши, яна бири ярим киши ва охиргиси эса ҳеч нарса бўлмаган киши.

Биринчиси, қадрли бутун кишининг тўғри фикри, ўз мулоҳазаси бор. Шундай бўлса ҳам, албатта маслаҳатлашиб иш қилади.

Аммо, иккинчи тоифалар юқоридаги фойдали сифатларнинг бирдан маҳрум кишилардир. Фикри бўлса, маслаҳатлашмайди ёки аксинча, бошқаларнинг мулоҳазалари билан қизиқмайди. Фикри ҳам тез ва осон ўзгарадиган бўлади. Ҳар кимнинг маслаҳати маъқул келаверади. Яъни қай ишда унга фойда борлигини ўзи яхши билмайди ёки фойдасини зарарга айлантириб қўяди, ўзбошимчалик қилади ва ҳақозо.

Аммо учинчи тоифа, қадрсиз кишиларда ўз фикри, мулоҳазаси бўлмайди. Шу билан бирга маслаҳатлашмайди, бошқаларнинг фикрларига қўшилмайди, раъини ҳурмат ҳам қилмайди.

Демак, инсон комил, иззат-иқромли, жамият ва оиласида ўз мавқеини топиши учун фикру мулоҳазасига ҳар жабҳада эга бўлиш керак. Шу билан баробар, уни тўғри ва фойдали бўлиши алоҳида аҳамиятлидир”.

“- Агар Бухорои шарифга илм ҳосил қилиш ва ҳақиқий устозни топиш мақсадида борсанг, ихтилофли масалалар ва турли саволлар топиб, у жойдаги аҳли илм ва улуғ устозлар билан баҳс, мунозара қилишга шошилма! Улуғ имомлар ўртасидаги ихтилофли масалаларда музокарага ошиқма! Балки икки ой сабр қил, то бир устозни ўзингга танлаб, у ҳақда яхшилаб ўйлаб фикр юритгайсан. Устоз тўғрисида дарҳол хулоса чиқаришга шошилма!

Агар Бухорои шарифга келиб, синамай бирон устоздан сабоқ олишни бошласанг, уни билмаганинг учун кейинроқ дарс ўтиш услуби сени қизиқтирмай қўйиши мумкин. Натижада ўша дарсга ҳам, илмга ҳам қизиқишинг қолмайди, хатто уйғонмайди ҳам. Бу дарсни тарк этиш ва устоздан узилиш билан тугайди. Мақсадинг ҳосил бўлиши учун яна бошқа устозни излайсан, унда ҳам дарс бошлаб, аввалги ишларингни тақорлайсан.

Маълумки, бу дунёнинг ривожланишида, инсониятнинг тараққиёт этишида устознинг ўрни бекиёс. Устознинг мавқеи шунчалик улуғ даражага кўтарилган. “Устоз” деганда фақат маълум бир соҳада ёки фақат илм соҳаида эмас, балки илм-фаннинг барча турларида, касб-ҳунар соҳаларида ҳам ўргатувчини биз устоз деб тушунишимиз лозим! Шунинг учун ҳам бизнинг доно халқимиз ҳурмат ва эҳтиром ила эъзозлаб “Устоз” дейди у ўринда устоз ва муаллим деб кимга айтилишини билиб олишимиз фойдадан холи бўлмайди. Устоз ва муаллим деганда фақатгина махсус синф ёки аудитория ичида, ёзув тахтаси олдида туриб дарс берган одам, ёки бутун халққа машҳур бўлган ва ҳамма ҳурмат қиладиган олимгина тушунилмайди. Агар устозингиз шундай мақомда бўлмаса уни эъзозлаб ҳурмат қилишда камчиликка йўл қўйишингиз асло оқланмайди. Балки, биро соҳада билим берган, бирор китобни ўқишингизда ёрдам берган, қайсидир тилни ўргатишда фойдаси теккан ёхуд ўзининг маслаҳатлари билан илмингиз ошишига ҳисса қўшган ҳарқандай одам сиз учун устоз мақомида бўлади ва зиммангизда динимиз томонидан бериб қўйилган унинг барча ҳақ-ҳуқуқлари қарор топади.

Ўтган улуғларимиз, солиҳ салафларимиз устоз ва муаллимларнинг ҳаққини яхши билганлар, уларнинг қадри нечоғли баланд эканлигини яхши ҳис этганлар. Ва шунга кўра муомала қилганлар. Чаҳориёрлардан Али разияллоҳу анҳу: “Мен ўзимга бир дона ҳарф ўргатган кишининг қулиман. Истаса, сотиб юборсин, истаса, қул қилиб олсин!”, деган эканлар. Бурҳонул-Ислом Зарнужий (раҳимаҳуллоҳ): “Дин ишига оид бўлган нарсалардан сенга бир ҳарф ўргатган киши сенинг диндаги отанг бўлади”, дейдилар. Шунинг учун улуғ халқимизда «устоз отангдан улуғ!» деган ҳикматли сўз бор.

Хусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” китобида устоз қандай бўлиши, шогирдлик шартлари нималардан иборат экани ҳақида батафсил маълумот берилади: “Агар комил устоз ким деб сўрасалар, у пок мазҳабни, ўз айбини кўрадиган, доно ва тамизли кишидир, деб айтгил. Унда ҳасад, гина ва бахилликдан асар ҳам бўлмаслиги керак. Агар шогирдлик биноти ниманинг устига қурилади, деб сўрасалар, иродат устига, деб айтгин. Иродат нима деб сўрасалар, устоз нимаики айтса, уни жон қулоғи билан эшитиш, чин кўнгил билан қабул қилиш ва вужуд аъзолари орқали амалда

адо этишдир. Агар шогирд учун нима яхши деб айтсалар, пок эътикод, деб айт, чунки фақат эътикод кишини муродга етказди...”

Кейин шогирдлик одоби ҳақида гап кетади. Улар саккизта, дейди муаллиф. “Устозга биринчи бўлиб салом бериш, устоз олдида оз гапириш, бошни эгиб туриш, кўзни ҳар томонга югуртирмаслик, масала сўрамоқчи бўлса, олдин ижозат олиш, устоз жавобига эътироз билдирмаслик, устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик, ўтириш-туришда ҳурматни тўла сақлаш”.

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Илм олиш борасида муаллиф кўзимизга оддийгина кўринган ишларни ҳам четда қолдирмайди. жумладан: “Энди илмни эъзозлаш, уни улуғлаш ҳақида фикр юритсак. Илмнинг булоғи ҳисобланган устоз, муаллим ҳазратларини ва уларнинг мақомларида бўлган ҳар бир кишини ҳурмат қилиш ҳам илмнинг таъзими бўлади. Албатта, илм булоғи ва манбаи китобдир. Демак, китобга аҳамият бериш, уни озода ва кўркам тутиш, фахр билан кўтариб юриш, покиза ва баланд жойларга қўйиш нафақат унинг ҳурмати, балки илмни улуғлаш ҳисобланади.

Шунингдек, китобни аста варақлаш, имкон қадар бир очишда керакли саҳифани очиш ва зарур бўлганда китобни варақлаш ҳам илмни улуғлаш жумласига киради.

Китобни варақлашда китоб варақларини ғижимлаб, буклаб, бармоғига туфлаб варақлаш ношоиста ишдир. Китоб ва дафтар устига жилд ва ғилоф тутиш мўътабар амалдир. Зеро, китобни улуғлаш илмни улуғлаш экан, талаба китобни ҳар вақт таҳорат билан ушламоғи керак бўлади. Бу ишга одатланиши ўзига фойдадир.

Шайхул Ислон, имом Халвоний ҳазратларидан ҳикоя қиладиларки, ул зот:

-Мен бу илмга фақат уни ҳурмат қилиб эришганман! Қоғозни доим таҳорат билан олар, бетаҳорат китобга яқин келмас эдим”, - деганлар”.

Ушбу фикрларни баён этган ҳолда муаллиф риоя этилиши керак бўлган ишларни санаб келтиради: “Риоя этилмоғи ниҳоят зарур бўлган амаллардан:

- узрсиз қиблага ва китобларга оёқ узатмаслик;

- тафсирга оид китобларни барча китобларнинг устига қўйиш ва уларнинг устига бошқа китоб ва бирон нарса қўймаслик ҳисобланади.

Шайхул ислом, устоз Бурҳониддин Марғинович ҳазратлари ҳикоя қиладилар:

- Бир фақиҳ, олим киши сиёҳдонини китоб устига қўяр эдилар. Шунда ул зотга форс тилида “Бар на ёбий, яъни ўсмайсан, камол топмайсан”, - деган эканлар”.

Ушбу жумлоадарда муаллиф қоғоз орқали бутун ҳурматли китоб битиладиган қоғозга қаратмоқда. Бежизга “касални тузатгандан кўра, унинг олдини олган афзал” – демайди доно халқимиз.

### ХУЛОСА

Имом Зарнужийнинг “Таълиму-л-мутааллим тарику-т-тааллум” асари ўзига хос услубга эга сарлардан саналади. Унда келтирилган ҳар бир фикр бир-бири билан ўзаро боғлиқликда битилган. Айниқса, мавзулар доирасида муаллиф бирор фикр ёзар экан, ҳадиси шарифдан, ўз даврининг мутафаккир олимларининг муҳим ҳикматли сўзларини келтиради. Айни сўзлардан илҳомланган муаллиф ўзи байтлар битади. Битган байтлари услуб жиҳатидан жуда маромига етган, бадиий жиҳатидан пишиқ-пухта чиққан. Бунда мазкур муаллифнинг араб тилини мукамал билиши ҳам катта ролни эгаллайди.

Шу билан бирга, асарда арабча мақол ва ҳикматли сўзлардан ҳам муаллиф ўз фикрини ифода этиш учун фойдаланади. Бу ўринда ҳам муаллиф мақолларни қўшган ҳолда байтлар туздики, бу “ирсоли масал” санъатини ҳосил қилади. Матнни тузишда муаллиф имкон қадар ўқувчига тез ва осон етиб борадиган, тушунарли сўзлардан фойдаланади. Бу ерда вазифасига кўра халқ мақоллари асарларда берилиши кутилган маънони кучайтиришга ёки уни яхшироқ англаниши ва ўқувчи яхши тушуниши учун хизмат қилади. Чунки халқ оғзаки ижоди жанри бўлган мақол халққа тез сингийди, оддий ўқувчи уни тез англайди, маъносини тушунади. Шуларни қўллаган ҳолда муаллиф ўз муродига эришган.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аҳмад Югнакий. Ҳибат ул-ҳақойиқ. Нашрга тайёрловчи Қ. Маҳмудов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1968. - Б. 42.
2. Imom Zarnujiy. Ilm olish sirlari. Tarjimon: Zokirjon Sharipov. – Т.: 2004. 100-b.
3. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. – Т.: Тошкент ислом университети. 2001. – Б. 617.
4. Абу Наср Форобий. Шеър санъати / Арабчадан таржима, изоҳ ва муқаддималар муаллифи А. Ирисов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1979. – 68 б.



5. Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар // Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – Б. 80.
6. Адабий асар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: 2007. – Б. 96.
7. Алоуддин Мансур. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Т.: 2004. – Б. 767.
8. Болтабоев Ҳ. Шарҳ мумтоз поэтикаси. – Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашр. – Т.: 2006. – Б. 430.
9. Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшунослик асослари. – Т.: Иқтисод-Молия. 2007. – Б. 90.
10. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, Фан. 2008. – Б. 160.
11. Йўлдошев М. Қ.Ядгаров. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Т.: 2007. – Б. 112.
12. Каталог фонда института рукописей. II том. – Ташкент. 1988. – Стр. 300.
13. Қуронов Д. Адабий асар ҳақида қайдлар // Илмий хабарнома.- 2014.- №3.- Б.75-79.
14. Қуронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Т.: 2010. – 324 б.
15. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима (таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур, муҳаррир Аъзам Ўктам), - Т.: Чўлпон, 1992.
16. Мамажонов Б. Ўхшатиш асосидаги шеъринг санъатларнинг назарий тавсифи ва таснифи. Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Тошкент. 2017.
17. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2017. - Б. 30.
18. Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асари ҳақида. (Кириш, фонетика, морфология, танкидий матн, транскрипция, шарҳ, луғат). Тошкент, Фан. 1972.
19. <https://zamaxshariy.uz/983/>